



2017 йил «2» июн

№ 586-у

**“Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси”
Давлат корхонасига геология кидируви ва излаш
ишларини олиб бориш учун 6,2 гектар ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 25-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорига асосан “Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси” Давлат корхонаси директори Р.С.Шыгырбаевнинг “Нурабод тумани худудида жойлашган “Тувактау майдони” лойихаси доирасида умумий майдони 6,2 гектар ерда 01.06.2017 йилдан 30.05.2018 йил (бир йил муддатга) мобайнида геология кидируви ва излаш ишларини олиб боришга рўхсат бериш тўғрисида”ги 2017 йил 2 майдаги №400-01-23 сонли хатини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг хулосасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабод тумани, Жийдали массивидаги туман ҳокимлиги захира ер хисобида бўлган №6488к-6698к-6699к-6700к-6706к-6707к-6718к-6725к-6727к-6728к-6730к-6731к-6766к-6768к-контурлардан жами 6,2 гектар яйлов ер майдони “Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси” Давлат корхонасига геология кидируви ва излаш ишларини олиб бориш учун вақтинчалик 1 (бир) йил муддатга ажратиб берилсин ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг хулосаси тасдиқлансин.

2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев) га “Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси” Давлат корхонаси ва туман ҳокимлиги ўртасидаги ер хужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, ажратилган ер майдонини жойида ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.

3. “Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси” Давлат корхонаси директори Р.С.Шыгырбаевдан:

- ажратилган ер майдонида ер структурасини сақлаш;

- геология кидируви ва излаш ишларини олиб бориш тугатилгандан сўнг, ер майдонида қайта тиклаш-таъмирлаш (рекултивация) ишларини амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 317-сонли қарорига асосан ажратилаётган 6,2 гектар эйлов ер майдони учун ҳисобланган 1 505 980 (бир миллион беш юз беш миң тўққиз юз саксон) сўм миқдоридаги пул маблағини ажратилган ер майдонига келтирилган зарарни қоплаш учун Самарқанд вилояти ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига тўлаб бериш сўралсин.

Туман ҳокими

